

1

Бу - ўтган асрнинг 70-йилларидағи гап:

Институтда (хозир Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети) Абдулла Орипов, Омон Матжон ва Маъруф Жалил билан ижодий учрашув ўтказиладиган бўлди. Машварат ташуббускори, “Чашма” деб аталувчи ёш адабиётчи-ижодкорлар тўгараги раҳбари Пирмат Шермуҳамедов эди.

- Абдуллажон билан Омонжонни ўзим опкеламан,- деди Пирмат ака.- Маъруф Жалилни “землаги”га топширамиз.

Мен Маъруф Жалилни кўрмаган, танимас эдим. Аммо, шеърларини суюб-суюб ўқиганлирим ва ўзим яхши кўрадиган шундай талантли шоир билан танишишга кучли иштиёқим борлиги айни хакикат. Чикмай-чикмай, ўша йили шоирнинг бир йўла икки китоби – “Мен сизни севардим” ва “Рахмат, одамлар” нашр этилган бўлиб, бу китоблар кўлма-кўл бўлиб кетган эди талабалар орасида. Колаверса, кимсан, Пирмат Шермуҳамедовдай машхур домла (Пирмат аканинг номи ўша кезлардаёқ нафакат Ўзбекистонда, балки, собик иттифок адибий доираларидан хам маълум ва машхур эди) “земляги” деб турганидан кейин гуурланиб кетдимми, сир бой бергим келмади.

Сўраб-сuriштириб, сира кийналмай Маъруф Жалил хизмат килаётган нашриётни топдим. Шоирнинг ўзини кўриш янайам осон бўлди: узун бинонинг иккинчи каватида чин “землягим”, ёнимиздаги Кенагас кишлогидан чиккан шоир Эркин Неъматов учраб колди. Эркин аканинг укаси Исокжон билан синфдош эдик, танирдим.

- Излаётган шоирингиз ана,- деди Эркин ака нарирокда, тор айвонда папирос тутатиб турган одамни кўрсатиб.- Деворни суяб турибди, кўряпсизми?

Кўрдим, аникроги, зинапоялардан кўтарилиган захоти кўзим тушган эди бу одамга, бирок эътибор бермагандим. Нотанишлиги учунмас, аксинча, кандайдир, эътиборга арзимайдиган даражада одми кўринганидан... бўлса керак. Энди, серсолиб карасам, елкаларини деворга тираб папирос тутатаётган халиги киши хакикатан хам суяниб эмас, деворни суяб тургандай кўринар экан.

Маъруф Жалил деган шоир шу одамлигини билганимдан сўнг, кечадан буён қўнглимни безовта килиб юрган ташвишлар тумандай таркалди. “Кандай кабул киларкин, “бормайман”, деса, нима киламан кабилидаги гумонлар ўрнини ёқимли бир ёруглик эгаллаётгандек туюлди.

Яхши кўрган одаминг билан учрашгунча уни хаёлан доимо кайсидир эртак қаҳрамонларига ўхшатасан, афсонавий пахлавонлар сингари бошкacha тасаввур киласан. Айникса ёшлиқ чогингда сирли туюлади шоиру хофиз деганлари. Кўришгандан кейин эса...

Чинимни айтаман: Эркин ака “деворни суяб турибди” деган киши тасаввуримдаги шоирнинг буткул акси, кечирасиз-у, шоирдан кўра кўпроқ ўзимиз каби стипендияга кунини оровлаб юрган студентга ўхшаб кетарди. Ориклигиданми новчи кўринар, елкалари чикиброк тургани боис кадди эгикка мойил, бир сиким белини кариб икки марта ўраб турган кайишнинг учи эса ярим каричча осилиб турарди. Харакатларида кимтинишими, сикилишими, ишкилиб зўр тортинчоклик билинардики, индаллоси, олис кишлокнинг шикаста бир муаллимига дуч келиб тургандек эдим. Бу холат хафсаламни пир килди эмас, аксинча, ўртамизыва аллатовур иликлик, якинлик пайдо килди. Ўзига бино кўйган, иззатталаб, шухратпешаларнинг турки-таровати, юриш-туриши, киликлари

одамни дарров ўзидан бездиради, хуркитади. Хаёлимдан ўтган: “Ўзимиздай кирчимолгина экан”, деган фикрдан ичимда кула-кула, байни эски танишлар мисоли эмин-эркин ёнига бордим. Салом бердим. Ўзимни таништирдим. У елкасини девордан айриб, каддини ростлади, озгин кўллари билан кўлимни авайлаб сиккан кўйи, кўйиб юбормай:

- Сизни бир жойда кўргандайман-у...- деб хижолатли жилмайди. Шоирнинг шу лахзалардаги камтарин чехрасида тил билан айтиб бўлмайдиган хушийманчаклик аксланиб турар эдики, унга караб туриб: “ гирт ўзимиздан экансиз-ку!” деб, юборишимга оз колди. Тортиниб-нетиб ўтирмай максадга ўтдим.

- Ўх-хў! Давра жуда бошкача экан-ку!– деб юборди чинакамига ташвишланган охангда Маъруф ака.- Абдуллажонлар бўлса... Абдуллажонларнинг даврасида шеър айтиш кийин...

Индамай турсам, Маъруф ака айниб коладиган.

- Студентлар сизнинг шеърларингизни яхши кўради, –дедим хадаха. -Кўпини ёд биламиз.

Маъруф Жалил илкис каради. “Ростданми?” деган сўрок унсиз жаранглаб кетгандек туюлди карашларида.

Мен бир дакика иккиланмай шоирнинг “Чинорлар” деган шеърини айтиб юбордим:

Кўз тегмасин деган каби

Такиб яшил туморлар.

Пайшанбанинг ўртасида

Тураг магрур чинорлар.

Маъруф Жалилнинг чехрасига болаларча бегубор ва мўмин табассум юкурди. Бу ювошлик гапираётганида янаям тиникрок жилваланар экан.

- Ярамас, ёмон шеърга ўхшамайди-я...

- Бизни Ургутда чинорлар кўп, -дедим сухбат узилиб колмасин деган ташвишда этанам чикиб.- Лекин Пайшанбадаям чинор борлигини билмасаканман.

- Ургутданмисиз? Ургут - чинорнинг кони. Мингчинордаги чинор-мактабни кўриб койил колувдик. Мактаб хозирам борми?

-Бор-бор... – деб Ургутимизнинг чинорларини ошириб-тошириб мактадим , аникроги мактандим.

Шу зайл бирпас гаплашиб турдик. Маъруф аканинг гапираётгандага жимжимадор сўзлардан кочиб, жайдари иборалардан фойдаланиши, кўпол-кўрс сўзларни кўшмаслиги менга дарров ёкиб колди. Кўнглида гидири йўқ бу одамнинг камтар ва тортинчоклигига хавасим келди. Хусусан, сухбатдошига бўлган хурмат-эътибори, ёш демай хар сўзингни диккат билан, бўлмай, охиригача сабр билан әшитиши ва жозибали табассуми одамда айрича мухаббат пайдо киларкан. Сувратидан унча-мунчага тасирланадиганга ўхшамаса-да, зехн соглан киши, кўзлари ўткир, кулоклари зийрак шоирнинг сийратида кучли хаяжон, сирли гулувлар борлигини сезиши мукин эди. Хайрлашаётганимизда:

- Албатта, бораман, - деб катъий вада берди.

... Ва, айтилган кун, белгиланган вактда етиб келди.

Ана, уч шоир ўқитувчию талабалар билан лик тўла хашаматли саройга кириб келяпти. Олдинда Абдулла Орипов – кадди хиёл эгилган, хотиржам, жиддий; ўртада Омон Матжон – гоз-гоз юришлар билан теварак-атрофга баланд-баланд назарлар ташлаган, магрур; оркада Маъруф Жалил – узун бўйини яширишга уринаётган каби елкалари

кисилган, кадамларини судраб-судраб, аввалгиларга эргашиб-эргашиб... “Худо юқтирган” шоирлар эди учови хам. Бир тогнинг балан-баланд чўккилари...

Хозиргидек кўз олдимда турибди: кечани домламиз Пирмат Шермуҳамедов бошカリб борди. Абдулла Орипов “Ўзбекистон ватаним маним!” дея эмраниб, тўлиб-тошиб шеър ўқиганда худди бомба портлагандек сарой гулдурос карсакларга кўмилиб кетди. Каттаю кичик жойидан турволиб карсак чалар, “Ўкинг！”, “Яна ўкинг！” деган хайкириклар акс-садо бериб жарангларди.

Абдулла Орипов хаяжон ва хайрат огушида ўткир нигохларини саройдагиларга тикиб яна ўкиди. Давр руҳига мос келмайдиган шеърлар яратиш ўша давраларда энди –энди бошланган, Абдулла Орипов шу тоифа ижодкорларнинг яловбардори, Абдулла Орипов деса, шеърият ихлосмандлари ўзларини томдан ташлайдиган кунлар эди. Мен хам шоирнинг “Митти юлдуз” китобини бошдан-охир ёд билардим. Абдулла Орипов шеърни нихоятда таъсири ўкир эди: жуссаси ихчам эса-да, овози арслон наъраси каби шиддаткор эди, уни минбардан тушириш анча кийин кечди – саройдагилар хали-бери кўйиб юборгилари келмасди.

Абдулла акага бетўхтов карсаклар чалинаётганда, Маъруф ака нега: “Абдуллажонларнинг даврасида шеър айтиш кийин”, деб иккиланганини тушундим. Тушунганим сайин ичимда бир безовталики, кўркувми ўсиб-каттариб бораверди. Колаверса, саройдагилар шунчаки шеърият ишкибозлари эмас, жуда талабчан, адабиётни чукур тушунадиган кишилар эди. Мен Маъруф аканинг шеърлари хамроҳлариникидан паст эмаслигини билардим, факат шоир акамизнинг уялгандай ўтириши ташвишлантираётган эди.

Абдулла акадан кейин минбарни эгаллаган Омон Матжон хам олкишларга кўмилди. Унинг шеър охангига мос равища учаётган күш каби кўлларини хаволатиб, хар сатр эмас, хар битта харфга алохида-алохида ургулар бериб шеър айтишларида поэзиядан узок дилларни хам ўзига маҳлиё килиб кўядиган гойибона сехрли кудрат гупуриб турар эди. Нафис нафасли, кадди-комати келишган бу ўқтам шоирнинг ўзини тутишлари, магрур туришларию, димогдорлигигача ўзига ярашарди.

Нихоят, навбат Маъруф Жалилга етди. У бир –бир босиб минбарга киряптию, менинг юрагим гупуриб боряпти. Ана у: икки кўли билан минбарнинг икки “ёкаси”дан маҳкам ушлаган кўйи, худди бир нимани эсдан чикарган одамдай каловланиб турибди. Саройда шивир-шивир, говур-гувур бошланяпти. Шоир гоҳ пастда, гоҳ йўкорида ўтирганларга караб-караб, бир муддат шу зайл турди, кейин нимадир дегандек бўлди. Аммо нима деганини хеч ким эшитмади.

-Маъруфжон, микрофонга, микрофонга гапиринг!- деб далда берди Пирмат ака. Маъруф ака бошини энкайтириб, узун бармоклари билан микрофонга икки-уч марта чертди – унолгидан ўқ отилгандек товушлар учди. Нихоят, хаяжонини босиб, ўзини кўлга олди шекилли, каддини ростлаб, бошини тик кўтариб, сўзларни чала-чулпа ютмай, дона-дона килиб шеър ўкиб юборди:

Паризодим, сени излаб тогларга бордим,

Айттолмадим юракдаги саволларимни.

Аммо, топиб юпансин, деб кўйиб юбордим –

Тог бургути каби ўжар хаёлларимни.

Бояги безовталиқ, шивир-шивирлар пасайди, тинди. Мухташам саройни камраб бораётган сув куйгандек сокинлик ичидаги шоирнинг ўқтам овозидан бошка сас-садо эшитилмай колди:

Үзим жавоб беролсайдим,  
Бошимни эгип,  
Шамол каби югурмасдим, күним билмасдан,  
Шивирламас эдим хар бир дарахтга тегиб,  
Хатто тоглар сўзлар эди сукут килмасдан.

Худо хакки, яйраб кетдим: “Күриб күйинглар, аканг карагайнинг “земляги”ни күриб күйинглар”, - дегандек ёнимдагиларга гурурли караб-караб күйганларим эсимда.

Маъруф Жалил шеър айтаётганида, кайсиdir домламизнинг: “Катта дарёлар сокин окаётгандек кўринсада, тубида кўз илгамас шиддат гувиллаб ётган бўлади”, деганлари хаёлимдан кечгани хам эсимда. Зохиран бўш-баёвдек кўринган одамнинг ич-ичидан тошиб-кайнаб чикаётган залворли сўзлар, баайни тонг сахарда кўм-кўк далалар оша тараалаётган най наволари сингари саройдагиларни номсиз сехрларга кўмиб борар, бундай гўзал холат, айникса, мен учун хушбаҳт ва ёкимли эди. Шоирнинг хаёт хакидаги фикрлари шу кадар майин, хазин ва бетакрор туйгуларга кўмилган эдики, бу хазинлик замирида баҳор чечаклари сингари кулф уриб очилаётган гўзал ва армонли орзулар якин келажақда мувашшах гулларга бурканган кўйи товлана-товлана эшитувчилар калбига сингиб бораётгандек эди гўё. Бундай лахзаларда хар ким ўз баҳтини ўйлайди, чексиз хаёлларга ботади. Шоирнинг дардлари шунчаки хаётдан нолиш, майдакашлик, тушкунликка тушиб оху фарёд уриш, маҳбубасини каргишларга кўмиб ташлаш эмас, аксинча, ўта нозик ва таъсирchan кўнгилнинг меҳр тўла согинчлари бўлгани учун хам унинг хар сўзидан аллакандай сохир туйгулар хамма катори менинг калбимни хам нафис умидларга буркаб-чулгаб бораётганини аник хис этиб турадим. Унинг равон ва босик овозида, ифодали килиб ўкишларида жуда чукур, жуда кудратли ва теран тафаккур аксланиб туради назаримда.

Яна шуниси калбимни гуурга түлдираётган эдики, унинг хозирги холати аввалгиларидан тамомила бошкача – хайратланарли даражада дадил ва ўктам эди, Шуниси билан дунёдаги барча одамлардан гүзалрок кўриниб бораётган эди кўзларимга. Коп-кора соchlари силлик тараалган, пешонаси кенг, ўйчан ва гамлидай кўрингувчи нigoхлари айни чогда тиник ва нурли порлаб турар, майин табассуми ўзига ярашган, зехн солиб тикилсанг, нихоятда тортичок бу сирли истара содда нigoхлари билан хар кимни ўзига мафтун этадиган даражада иссик эди. Катта шоирлик гуури, улкан юракнинг самимий тўлкинлари акс этарди унинг киёфасида.

Шеър тугади. Бир жўшкинлик ловиллаб шоирнинг юзларига урилди, кўзлари ўткир-ўткир чакнаб кетди. Сарой эса карсаклар, олкишларга кўмилиб кетган эди. "Ўкинг!", "Яна ўкинг!" деган талаблар эшитиларди хамма томондан. Маъруф ака томогини узун кириб олиб яна ўкий бошлади:

## Ўзбекистон! Менинг дунёда

Ташвишиңгиз үтган оним йүк.

Токи борсан сен Осиёда,

Сендан бошка кахрамоним йўк.  
Кеча тугагади. Шеърсуярлар шоирларни ўраб-куршаб олдилар, Маъруф акаям бир  
канча йигит-кизларга дастхатлар ёзиб берди. Мен шоир акамнинг хурсандлигини кўриб,  
йазмла йўк сочинсан ўздан сийодашгим келмасди.

Кетар олдида унинг хайрлашиш учун кандай мамнунлик билан қўл узатгани хамон эсимда турибди: кўллари орик аммо анчайин майин хамда иссик эди: “Менга ўхшаб тортинчок экансан, далил бўлмасанг ҳаммага кулги бўласан”. демокчидай қўларимни

сикиб турган холда, анчагача кўймай ушлаб турди. Худди шундай бир ифодани мулойим кулимсираб турган кўзлари хам таъкидлаб тургандек туюлди. “Сиз хам дадилрок бўлинг, ака”, дегиларим кепкетти.

2

Буниси - анча кейинги гаплар:

Ёз куни эди. Болаларни етаклаб Кўкчага - кайнотамизникига бордик. Кайнотам, шоир Шамси Одил (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин! Отам сингари меҳрибон, калби дарё инсон эди) хам Каттакўргон тарафлардан бўлгани туфайлими, Маъруф Жалил билан туғишганлар сингари калин, кадрдон ога-ини эди. Бу дўстлик умрларининг охиригача узилмади. Улар тез-тез учрашиб туришар, эрталаб бошланган гурунг гохида кечгача давом этарди. Шеърлар ўкишар, бир-бирини тинглашар, баҳолашар эдилар. Сухбатлари чогида Мамарасул Бобоевнинг номи тез-тез тилга олиниши ёдимда колган. Маъруф ака, бу хонадонда ўзни эркин хис килса хам, одатига хилоф равишда хадеб гапирмас, кўпроқ эшитиб ўтиради. Бу вактга келиб мен Маъруф аканинг характеристини, одатларини анча-мунча билиб колган эдим. Маъруф акадаги камтарлик, менинг назаримда хам тугма эди. У Ёзувчилар уюшмасида кунда-кунаро ўтадиган мажлис-машваратларда хам камдан-кам баҳслашар, аммо тинглашга ўч, факат фикр сўраб колгудик бўлишгандагина ўз мулоҳазаларини шошилмай, лўнда-лўнда баён киларди. Айрим кишиларга ўхшаб, керакдир-нокеракдир тортишмас, иккиланган мавзулар бўлса, аралашмасликни афзал кўради. Умуман, Маъруф Жалил хис-туйгуларини дастурхон килмайдиган, изтиробларини хам, тугёнларини хам ичига ютишга ўрганган инсон эди. У гап-гаштакларда юришга кизикмас, ўқир - хайратланарли даражада кўп китоб ўқир эди. Яна бир хавасли хислати – хеч качон игво килмас, аксинча, ёқтиримайдиган кишиларига хам самимийлик билан ёндошарди. “Танкид билан одамзот тузалганида эди инсоният аллакачонлар жамики ярамасликлардан халос бўлган бўларди”, деб кўярди багрикенглик билан. Хатто, энг баҳтиёр дамларида хам хаволаниб кетмайган катта калб эгаси эди у. Шундан бўлса керак албатта, согинар, шоир акам билан тез-тез учрашиб туришга интилар эдим.

Боши берк кўчага кираверишда кўрдикки, тор кўчадан лапанглаб кайнотамиз Шамси Одил чикиб келяптилар:

- Сизлар уйга кираберинглар, мен гизиллаб бориб Маъруф акангизни айтиб келаман. Мен таажжубландим: уй кийимда Тошкентнинг у чеккасига бориб келмокчими?
- Айтгандай, сизнинг хабарингиз йўқ, ўглим. Маъруф акангизни шу ерга - орка кўчага кўчириб опкелдик,- деб изохлади хайронлигимни сезган Шамси Одил.
- Ундей бўлса, мен айтиб кела колай,- дедим суюниб. Кувончимнинг яна бир сабаби бор эди. Менинг ўша замондаги ишхонам болалар газети - хозирги “Тонг юлдузи” бўлиб, газетда шоир ва ёзувчиларнинг болалиги хакида туркум маколалар берилаётган эди. Маъруф Жалил хакида ёзиш менинг зиммамда бўлиб, шу кунларда уникига бормокчи бўлиб юрган эдим.

Маъруф аканинг манзилини кайта сўраб, дажжам жўнадим. Шоир акамнинг янги макони икки кўча оркада, бурчакдаги кичкина хонадон экан. Бир тавакали пастак дарвоза кия очик эди. Такиллатиб-товуш бермай кириб боравердим.

Тикилинч мевали дарахтлар соясига кўмилган ховличада водопровод жўмрагидан оқаётган сувнинг шилдирашидан бўлак сас-садо эшитилмас, жим-жит эди. Чапда - бир уй, бир дахлиздан иборат иморат олдидаги айвонда елкаси билан деворни суяб (тавба,

яна шундай: худди бир вактлар Эркин Неъматов ифодалаганидек суюниб эмас, деворни суяб) ўтирганча берилиб китоб ўкиётган шоирга кўзим тушди.

Маъруф ака кутилмаган меҳмонни кўрибок, хаялламай жойидан кўзгалди. Кўришдик. Ташрифим сабабини эшитиб, иссик кунда совкотиб, жунжиккан одамдек:

- Ўтган куниям кунимиз Шамси аканикida ўтувди. Шўрва ичдик, оз-моздан отдик анави ярамасдан. Кеча бўлса, кичкина кизларидан бир тавок палов чикариб юборибдилар. Бу кетишда буткул бокимандага айланиб колмиз-ку, – деди хижолат билан.

Мен бир нималар деган бўлдим. “Бир пас ўёк-буёқдан гаплашиб ўтирамиз”, деган бўлсан керак.

- Нима ўкияпсиз?- деб сўрадим хамон кўлида турган китобга ишора килиб.

- “Сўгдиёна”. Курмагур, Ёвдат Илёсов катта ёзувчи-да. Лекин, нимагадир, эътибордан четда,- деди (худди ўзлари барчанинг диккат марказида тургандай...) китобни дераза токчасига кўяётиб. - Тарихий романлари, киссалари зўр. Хайрон коласан, билимдон, талантли. Шу, “Сўгдиёна”ни ўзбекчага агдарсаммикан, деб юрибман. Лекин кучим етадими, йўкми...

Маъруф аканинг Шандор Петефи, Леся Украинка, Евгений Евтушенко, Андрей Дементьев сингари шоирларнинг шеърларидан килган таржималарига кўзим тушган. Бирок унда насрый асарлар таржимасига иштиёқ борлигини билмасдим.

- Кўлингиздан келади. Улугларни таржама килгансиз, –дедим. Афтидан, ўзимча унга далда бергим келган бўлса керак-да.

- Таржима майдо, кийин иш. Ундан кўра ёзган осон,- деди у. Кейин: - Ўзингиз нималар киляпсиз? - деб сўради.

Маъруф аканинг бугунги кайфияти хар доимидан баланд, хушнуд ва енгил, гайратга тўлиб тургандай кўринарди. Ўз таасссуротларини бирор билан баҳам кўришни кўпам хушлайвермайдиган, ижоди, режалари у ёқда турсин, нима ёзаётганини хам то охирги нуктасига етгунча хеч кимга айтмайдиган одам сира кутилмагандан:

- “Кўшик иштиёки” деган китобимни нашриёт редактори кўриб, кабул килиб олди. Шу, энди табиатни эҳтиётлаш хакида публицистик маколалар ёзсанми, деб турибман. Нида дейсиз? – деб сўради.- Каранг, Орол денгизининг ахволини кўринг. Кум, туз босиб кетяпти хаммаёкни. Бу кетишда кетаверса халкимизнинг келажаги, болаларимизнинг такдири нима бўлади?

Шу махал кўча эшигидан ўттиз ёшлардаги коракалпокафт бир аёл кириб келди. Узун кизгимтири чит куйлакли бу аёлнинг бир кўлида тўрхалта, иккинчисида газетага ўралган алланима бор эди.

- Чечангиз,- деб таништирган бўлди Маъруф ака.- Магазинга кетувди, нонга. “Янги” чечам билан саломлашдик. “Янги” дейишимнинг сабаби, Маъруф ака “эски”си билан анча илгари ажрашганини эшитгандим. “Шоирга хотини кўп азоб берган, охири чидолмай чопонни елкага ташлабдию, уйдан чикибди-кетибди”, кабилидаги миш-мishлар кулогимга чалинган. Ха, энди хаёт-да. Хаётда нималар бўлмайди. Ундан кейин бирорнинг рўзгори. Билмай туриб хар хил валдираш гуноҳ. “Ишқилиб, бу чечамиз билан баҳтиёр яшашга хакли, шундай эмасми?

Илло, ўзидан хам кўра кўпроқ бошкаларни асрарни афзал билган, бошкалардаги хар бир ижобий фазилатларни ардоклайдиган, баъзи бирорлардек хеч качон ўзини кўз-кўз килмайдиган, аксинча, мактовлардан кочиб юрадиган бундай инсон хам хамма катори баҳтиёр яшашга хакли, шундай эмасми?

Чечамиз шошилинч дастурхон ёзишга хозирланаётган эди, Маъруф ака:

- Хоним, овора бўманг, Шамси ака чакирибдилар. Келин аямиз каттакўргонча зигир ёғли полов дамлаётган эканлар,- деб шаштидан кайтарди.

- Вой, янами? – деб юборди астойдил хайратланган охангда чечамиз. - Кечагина борувдик-ку! Мен уйда кола колай. Одамга нокулай.

- Шамси акани хали яхши билмайсиз, хоним. Бормасак, ёмон хафа бўладилар. Бўла колинг.

Хаял ўтмай чечани олдимиизга солиб, уйдан чиқдик. Муюлишда, шундай кўчанинг ўзида уч-тўртта болакай копток тепишаётган экан.

- Болалик яхши-да,- деди уларга хавас билан караб-караб. - Хештимани ўйламайсан. Корин билан ўйиндан бўлак гаминг йўк. Болалик яна шуниси билан гўзалки, сени хамма суяди, эркалайди - сен жуда бахтиёрсан.

Шоир акамнинг бу сўзлари сал бўлмаса унутилаёзган халиги режамни эсга туширди. Аммо, хозир максадимни очик айтсам: “Йўк, бизнинг нимамизни ёзасиз, машхур шоир-ёзувчилар кўп-ку”, дейиши аник. Шу боисдан тузуккина шаклланиб колган журналистлик “махоратим”ни ишга солиб, олисрокдан кўнглига кўл узатдим:

- Ўзингиз хам майдалигингида шунака бўлгансиз-ку.

- Каёқда. У замонда тўп нима килсин. Бир тўграм нон топишни айтинг. Кимматчилик, қахатчилик. Уруш, урушдан кейинги даврлар, огир эди. Кунжара еб, корни шишиб кўчада ўлиб колганлар канча. Бизнинг оиласдаги ахвол хам жуда аянчли эди. Онам ёшлигимда вафот этган. Отам камалган. Синглим икковимиз момомизнинг кўлида колганмиз. Мол бокамиз, ўтин терамиз. Бахор келаверса, момом суюниб: “Эрта-индин тут пишади, энди марра бизники, ўётига ўлмаймиз... Тангрим раҳмдил”, - дерди. - Хакикатдан хам бахор келса, кунимиз тугарди. – дея давом этди енгил нафас олиб.- Момакалдирок гумбирлар, чакмок чакар, биз бўлсак ёмгир тиниши билан дарёга якин чакалакзорларга чопар, бутазорлардан, арик бўйларидан кўзикорин териб келардик, Момомиз ковурган кўзикорин худди жигар кабоб сингари мазали бўларди. Яна кўкатала деган таом хам бўларди. Раҳматлик момомиз бу овкатни сут боялаган бошокларни териб, кайнатиб пиширади.

Шу тахлит сухбатлашиб кетдик.

Маъруф ака танишганимиздан бўён биринчи марта кўнглини сал очиб, болалиги, ёшлиги ўтган кишлоги, ота-онаси хакида гапирди.

- Кишлогимиз атрофи тог билан ўралган. Деразани шундай очсанг, шимол томондан Октоқ, жануб томондан Коратов кўриниб туради. Октоқ томондан Оқдарё, Коратов томонда Корадарё окади. Икки дарё аслида мустакил дарё эмас, Зарафшон дарёсининг Самарканд якинида иккига бўлиниб окувчи ирмоклари. Бу ирмоклар Хатирчидаги бирлашади. Шу икки дарё оралигига оролга ўхшаш макон бўлиб, бу жой Миёнкол деб аталади. Мен тугилиб ўсган Пайшанба кишлоги шу оролчада.

- Миёнкол тўгрисида ўкиганман, - дедим сухбатга аралашгим келиб, - Ёкут Хамавийнинг “Мўъжам ал-булдон” китобида Дабусия кальяси, Рагин, Искарон Арбинжон каби бир неча кишлок ва шахарлар жойлашган сарҳад Миёнкол деб аталади, дейилган. Яна бир тарихий китобда, адашмасам, “Тарихи Хумоюн” асарида бўлса керак, Миёнкол худуди шимолдан Нурота, жанубий тарафдан Карнаб тогларига бориб туташади. Маъмурий маркази Кармана, дейилган.

- 8-9-асрларда Миёнкол катта вилоят бўли, таркибида саккизта хокимлик бўлган, - деди

“билиг” лигимдан суюниб, - Кармана, Зиёвуддин, Хатирчи, Богчайкалон, Нурота, Гужумсарой, Комимиг, Янгиқўргон... Миёнкол атамасининг ўзбекча маъноси хам икки сув оралиги. Икки дарё орасидаги кишлогимиизда хар пайшанба куни катта бозор бўларди, олис-олислардан карвонлар келарди. Кишлогимиизда ўндан зиёд мачитдан ташкари, битта мадраса хам бор эди. Болалар шу ерда ўқиган, кобилиятилари кейин-кейин Бухоро мадрасаларига борган. Мен бўлсан,- Маъруф ака шу ерда кулиб юборди.- Биласизми, мен 10 ёшимда мактабга борганман. Лекин кизиги бу эмас. 15-16 ёшли акалар билан бир синфда ўқиганман. Синфимизда уруш туфайли ўкишдан колиб кетган 20 ёшли кизлар хам бор эди. Шу синфдош-кизларнинг кўплари 2-синфда эрга тегиб кетди.

Гап орасида отаси Эргаш Жалилов саводхон, ўқимишли одам бўлганини хам эслади. - Отам эскича ўкиш, ёзишни яхши биларди. Тошкентда иккита ўкишни битирганларини айтардилар. Камоқдан кутилиб келганларидан кейин жамоат хўжалигида хосилот бўлиб ишлаганлари ёдимда. Котмадан келган, узун бўйли, жадидча мўйловли киши эдилар. Уйимида Алишер Навоийнинг кўкиш рангли калин муковали девони бор эди.

“Кунтугмиш”, “Орзигул”, “Авазхон”, “Равшанхон”, “Ўзбек халқ эртаклари” китобларини отам ўкиб юрадилар. Менинг биринчи ўқиган китобим Навоийнинг ўша девони, достон ва эртаклар эди. Отам негадир замонавий шоирлар китобларини хуш кўрмас, “маза-матраси йўқ”, дердилар.

- Шеър ёзишният Навоий бобомиздан ўрганган экансиз-да.  
- Бошка жиддий сабаб хам бор... – деб бир нафас индамай кетди. - Энамнинг киёфасини эслолмайман, боя айтганимдай, жуда кичкиналигимда дунёдан ўтган. Кахатчилик авжига чиккан пайтларда синглим Рохила икковимизга момомиз хам эна, хам ота бўлган. Синглимни жуда яхши кўрардим. Уям хаддан ортиқ меҳрибон эди. Битта олмами, туршакми топса ярмини менга асраб кўярди. Синглим озгин, нимжон эди. Очарчилик унинг силласини куритганди. Еттинчи синфда ўкиб юрганимда синглим вафот этди. Уни кабрга кўйиб келгандан кейин хаёлимда бир гап айланаверди. Уйга кириб, сандалга ўтириб ёза бошладим:

Сен хам мени ташлаб кетдингми...  
Кетдингми дунёдан бошингни олиб,  
Йўқчилик кулфатин ичингга солиб,  
Сен хам мени ташлаб кетдингми!

Ёзарканман, томогимга алам тикилиб, кўзларимдан дув-дув ёш окарди. Ёзганларимни момомга ўкиб бергандим, уям ув тортиб йиглаб юборди. Момом хамма кўни-кўшниларга шеърни айтиб чикибди. Шундан бошлаб гузаримизда “шоир” бўлиб колдим. Ўша шеър сакланиб колмаган. Афсус. Факат бир тўртлиги юрагимда.

Шу воеадан бир йил ўтиб, 8-синфдалигимда “Орзу” деган шеърим илк марта туман газетида босилиб чиқди. Лекин, мен учун биринчи ёзган шеърим синглим хакидагиси хисобланади. Шеър нима учун ёзилиши, дарди йўқ одамдан шоир ёки ёзувчи чикмаслигини ўшанда гира-шира англаганман.

Сухбат асносида ёзилажак маколам учун гоят зарур бўлган куйидаги маълумотларни хам билиб олдим:

Маъруф Жалил 1936 йили Каттакўргон туманидаги Пайшанба кишлогида тугилди. У вактларда тугрикхоналар бўлмагани, хар ким ўз уйида тугилгани туфайли орадан ўн йил ўтганидан сўнг тугилганлиги хакидаги гувохнома кўлига тегди. Шеър ёзишни 7 – 8-санфда ўкиётган пайтида бошлади. Аммо, унгача хабар ва маколалар хам ёзди. У

мухбирликка кандай кизикиб колганини мана бундай эслади: “4-синфда ўкирдик. Синфимизда Усмон деган бир лўли бола бор эди. Бир куни унга жилдига кизил байрок расми солинган хат келди. Хамма болалар кизикиб томоша килишди. Мен хам ўқидим. Хат машинкада ёзилган бўлиб, газетадан келганди. Шеърми, маколами ёзиб юборган экан. Шунга жавоб. Хатнинг бир чеккасида “Ёш мухбирга эсадалик” бўлиб, унда кандай ёзиш, нималарга эътибор бериш хакида маслаҳат ва йўл-йўриклар берилганди. Усмонга хавасим келиб, мен хам газеталарга хабарлар, маколалар ёзиб юборадиган бўлдим”.

Ўша йилларда бошланган адабиётга кизикиш ва хавас сабаб, албатта, 1958 йили Тошкентга келди. Бирлашган нашриёт босмахонасида оддий харф терувчи бўлиб иш бошлади ва шу йилнинг ўзида Тошкент Давлат университетининг филология факультети сиртки бўлимига ўкишга кирди. Унгача, аскарликда бўлди, илм излаб Московгача пою пиёда борди, Норак ГЭСида ишчи, бетончи бўлди. Босмахона “бўёкларини хидлаб обдан тўйгач”, хозирги “Ўзбекистон овози” газетасида корректор, адабий ходим, кейинрок “Муштум”, “Шарқ ўлдузи” журнали таҳририятларида мухаррир бўлиб ишлади. Хозир (ўша пайтда) Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида мухаррир.

- Шеърлар машк килишни эрта бошлаган бўлсан хам китобларим жуда кеч чикди, - деб афсус билан давом этди Маъруф ака. – Биринчи китобим 36 ёшимда чоп килинди. Бунга айбдор ўзим: дангасалигим, ярамас инжиклигим ...- деб жуда синик, жуда мунгли жилмайди.

Мен унга караб: “Бундай деманг. Гап китобнинг эрта ёки кеч чикканида эмас. Садриддин Айний сиздан хам кейин бошлаган. Сизнинг кишлокирок, дангал, худди Октов этакларидан шаркираб тушаётган ирмоклар эпкини сингари тиник, оромбахш туйгуларга йўғрилган шеърларингизни севамиз!”, дегим келди. Аммо, шоир акамнинг хозирги холатида бундай “гамхўрлик” ноўриндек туюлди.

Маъруф ака манзилга етгунча бошка гапирмади. Кайнотамизниг торгина ховлиси боши берк кўчанинг охирида. Салкин, осуда. Гиламнинг ўрнидай гулзор атрофида мусичалар кукулаб юрибди. Биз кириб бogg’гач улар патирлаб кўкка парвоз этди. Ховли тўрида шигил мевага кирган ўрик. Хаммаёкка бошдан оёқ кўллатиб сув сепилган. Ўнг бурчакдаги олча тагига ўрнатилган сўрига ўтиридик. Хонтахта устидаги олма-анорлар товланиб кўзни камаштиради. Аямиз кўк чой олиб келди. Лекин гап билан бўлиб чой совуб колди. Гап адабиётдан бошанди. Кейин икки оғайни шарқ шоирлари, ўтмишдаги ва хозирга олимлар, файласуфлар хакида гурунглашдилар. Мезбон бошлаган сўзни меҳмон давом этирас, меҳмон бошлаган сўзни мезбон илиб кетарди. Ога-инилар шу тарзда юрак чигилини ёздилар. Паловни димокни китиковчи иси анвойи гулларнинг бўйига кўшилиб кетди. Дилкаш сухбат кизиб борар, мен муллаваччалардек чурк этмай тинглаб ўтирас ва Маъруф Жалил нафакат дилбар шоир, балки ўта билимдон одам бўлганидан хайратланиб унга бўлган хурматим янаем ортиб борар эди.

Кейин – яна кўп-кўп баҳорлар келиб кетганидан кейин, замона зайлини кўринг, Маъруф Жалил билан бир даргоҳда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида ишлаб колдик. Турли муносабатлар билан оз-оз эса-да, кўришиб, сухбатлашиб турдик. Маъруф ака Шойим Бўтаев, Берди Раҳмат сингари ижодкорлар билан бирга - радиочи. Турли мавзуларда адабий эшиттиришлар, радиокопозициялар тайёрлайди. “Ўзбектелефильм”да ишлайдиган ёзувчи ва кинодраматург Мирзапўлат Тошпўлатов хам “радиочилар” билан учрашгани, сухбатлар килгани хакида тез-тез гапирар, таникли

тележурналист ва адабиётшунос олим Ўрол Ўтаев эса Маъруф аканикига боргани, унинг хаёти ёлгизлиқда ўтётгани ( шоир акамиз “янги чеч”миз билан хам узок бирга яшамади) хакида айтар ва бу хокисор одамга нима килиб бўлса хамки кўпроқ ёрдам бериш зарур, деб қуонарди.

Маъруф Жалил билан бўлган сўнгги сухбат хам ( минг афсус, у пайтда буни билмаган эканман) раҳматлик Ўрол Ўтаевнинг харакати билан бўлган...

-Шоирнинг ахволи яхшимас, - деди Ўрол ака. – Тунов кун бирпас кўча айланайлик, десам, юришим кийин, деди. Бориб бир кўрайлик.

Бордик. Кўрдик. Кўнглим аллатовур бўлиб кетди.

Таг-туби билан кимтиниб-кисиниб яшашовчи шоир янам озган, янам чўккан, янам гариб бир холатда дераза остидаги эски караватда осмонга караб ётарди. Хаёти осойишта кечмаган бу хударов инсон умрининг охирги кунларини хам ёлгизлиқда ўтказаётганидан эзилдик.

Сўнгги йилларда Маъруф аканинг касалманд бўлиб колгани, ишхонанинг ишлариниям уйда бажариши, хамрохи, хамсухбати китоб, овунчоги когоз – калам ва ёзув-чизув эканини хамма биларди. Дўслари, шогирдлари хол-ахвол сўраб турардилар. Аввалрок кўрганимизда тузук эди. Иссиқка хам, совукка хам чидамли одам дардманлигини сездирмасликка, хамиша сабр килиш, кутиш ва ичга ютишга, кийинчиликларни сиртига чикармай яшашашга интиларди. У ўзигагина мансуб бўлган ички интизомда кун ўтказарди – талаб килиш, текинхўрлик, бакир-чакир, хиёнатлардан узок эди.

Камтарликни саклашдаги саботи шу кадар баланд эдики, баъзиларга бу ўз кадрини билмаслик – паст уриш бўлиб кўринарди, хатто.

Оғир бетоб бўлган пайтларида хам бировга сир бермаган одамнинг бугунги ахволини кўрган киши ўйланмаслиги мумкин эмасди. Тилимга гап келмайди. Яхшиямки, Ўрол ака бор, каерда нима дейишни, одамнинг кўнглига кандай тасалли беришни билади.

- Кўрган кизлар “Box!” дейди-ю, ётишини кўринглар бу кишимни! – деб хазил-хузул билан беморни овутмокчи, тушкун ўйлардан чалгитмокчи бўлди. Аммо, Ўтаевнинг овозида хам хар доимги гулдураш йўқ эди. – Шу окшом “Мен сув ичган дарёлар”ни яна бир марта ўқидим, - давом этди Ўтаев. – Ох-ох... Бундай халкона шеърлар мактаб дарсликларига киритилиши керак. Ёшларимиз ўқисин, завклансин, она-юртимиз гўзалликларини дилдан хис этсин.

Ўйнаб-ўйнаб хаёлларим кайтиб келади,

Баъзан курук, gox янги гап айтиб келади...

- Бундай жозибали мисраларни факат Маъруф Жалил айтиши мумкин.

Тўгрими?- деб менга юзланди.

Мен Ўрол аканинг кечинмаларини англаб турардим. У кандай бўлмасин шоир рухини тетиклаштиргиси келар, лекин буни уddaлаёлмаётганидан баттар хижил бўлаётган эди. Маъруф ака, умрида бировнинг дилини оғритмаган, калби тоза Маъруф ака эса, бесасгина бизга караб ётарди. Юзи ва лабларидаги сезилар-сезилмас табассуми оркали хаммасини тушуниб-билиб турганини, хузурланаётганини айтиб тургандек эди. Мен шу дакикаларда, айрим хушомадсеварларга ўхшаб унча-мунча мактовга эшканнап, чўлжанглаб кетавермайдиган, Иброҳим Гафуровдай танкидчи: “Маъруф Жалилнинг шеърлари иссик корга ўхшайди”, деб ижодига юксак баҳо берганида хам мактовни тортинчоклик билан кабул килган, хатто, бундан хийла кийналган шоир акамни канчалар яхши кўришимни янам теранрок хис этиб турардим. Яна шуниям фахмлаб турардимки, хаммавакт, хар кандай шароитда, хар кандай даврада ўзгармайдиган бу одамга

кексалик ва хасталик аста- секинлик билан ўз кучини кўрсатаётганди: унинг силласи куриган, харакатлари суст, пешонасидаги чукур ажинлар куюклашиб, сийрак соchlари окарган, факат юзларида улугсифат бир вазмин хотиржамлик аксланиб турарди. Хеч качон ўткинчи хою хавас, бойлик-давлат кетидан кувмаган, кувлик-айёрикни билмаган, кийналса хам бировга ёлвориб-ялинмаган бу одамнинг ичидаги кўринмас кудратли бир куч яшириниб ётгандай туоларди. Нагзи майиб, бефаросат кимсалар баъзан ундаги камтарликни ношудликка йўйиб камситган, оркаворатдан пачуриб, чандиганда хам “ярамас” деган беозор лутфдан хатламаган бу инсоннинг шундай содда-баёв ётишида хам ўзига ярашгулик бир сиполик, бир савлат бор эди.

Унга караб ўтириб кайсиdir шоирнинг: “Шоирлик истеъоди шоирнинг ўз шахсиятига алокаси бўлмаган мустакил бир холат эмас, балки унинг ички руҳий киёфаси билан узвий равишда боғликдир”, дегани хаёлимдан ўтди. Шеърларидаги ёркинлик хам, одамларга меҳрибонлик хам, ўйчанлик ва огирилик, собирлик ва окиллик хам аслида шоирнинг табиатида бор. Унинг одамларга хамиша яхшиликлар исташи маҳсус ўйлаб килинган иш эмас, бу унинг учун яшаш тарзи, хаёти, хаётнинг айнан ўзи эди. Унинг шеърлари хам ана шу соғлиқдан, ватанга, халкка хадсиз садокат хиссидан тугилган дурданалар эди.

Маъруф ака факирона кун кечирав, адабиётга хам катта-катта даъволар килмай, бетаъма хизмат киласади. Ёзганда хам кучаниб-чиранмай, худди уч оёкли мольбертига оппок когозни кўйволиб ям-яшил боғлар тасвирини чизаётган мусаввир сингари эмин-эркин ёзарди. Киёс излаб кийналиб- зўрикмас, сўзлар, тасвиirlар, нодир ифодалар табиий равишда, ўз-ўзидан куйилиб келаверарди:

Этаги пахтазор, орти боботог,

Ёнида Зарафшон окар эркалаб.

Миёнкол кўйнида оддий бир кишлок

Куёш уйготади хар кун эрталаб.

Бўёклар сатрлардан сатрларга ўтган сайин куюклашиб, тиниклашар, шоир руҳий холатларни кавлаб-кавлаштириб, согинчли катламларни топарди. Анвойи гулларнинг муаттар хиди-ю, баҳмал майсаларнинг сирли кўшикларини тинглаш, роҳатланиш мумкин эди уларни ўкиган одам. Бир гиря тўлганиб ётгандай бўларди шеърларининг хар сатрида:

Бог, дала, кирларга гул-лола сочиб,

Бахор одатига килганда амал,

Шу ерни кўргандим кўзимни очиб,

Шу ер олам эди менга мукаммал.

Умуман, Маъруф Жалилнинг Ватан шаънини улугловчи шеърлари багоят таъсирчан ва сержило:

Шайдо юрагимни мен куёш килиб,

Ўлкам осмонига кўёлсан илиб.

Ёки:

Юрагимда Ватанимнинг севгиси бор,

Йўкотмасман бу тенги йўқ бисотимни.

Ёки:

Шеърма-шеър бораман калбимни очиб

Сенга – Ўзбекистон – яшнаган макон.

Шоир Ватан деганда энг аввало она кишлоги Пайшанбани тушунади ва шу кишлокнинг тупрокли кўчаларида чангта кўмилиб колиб кетган болалигини кўмсаб яшайди.

Аскарликда, денгиз киргокларида, ўрмонлар орасида юрганида хам она кишлоги, чанг-тупрокли кўчалар хидини согинади

Ватан - бу хамиша роҳат фарогатда ялло килиб юрадиган гаройиб бир маскан эмас, балки ота боболар хоки туроби ётган мукаддас ва табаррук кадамжо эканини уқтиради.

У шеърларида хаёт драмалари, фожеаларини шундай адолатли тарзда ифодалайдики, окибатда бундай шеърлар хакикат ва адолат жарчиси бўлиб туюлади, бедорлик ва уйгокликка ундейди. Сатрларда эхтиросларнинг гувлаб, тўлиб-тошиб келаётган шиддатли тўлкини лахзада беихтиёр сизни хам ўз окимига тортиб кўшиб кетади. Адолатсизликка, очкўзликка, маҳдудликка карши бир исён қўзгайди ичингиизда. Она юртга бўлган меҳрингизни оширади. Кискаси, ватанпарварлик, жонфидолик, мардонаворлик Маъруф Жалилнинг ижодий, ахлокий, инсоний программасидир, дейилса адолатли бўлади..

Мусаввир қўзларининг ўткирлиги или тасвириланган “Кишлогим” дейилмиш йўкоридаги шеърни ўкиган ўкирман хам бегубор болалигини, бетакрор хотираларнинг рангин лахзаларини бошдан кечириш мумкин. Уни ўкиганда жаҳон олдида “олма бетидаги хол”дай кишлок манзаралари кино лавхалари сингари кўз олдингдан тизилиб ўтаверади.

Яна бир шеърида эса кишга ўхшамаган кишни ёдга солади:

Шу хам киш бўлдими? Киш бўлса агар,

Намойиш килмасми касби корини?

Бехавас кўринар нега бу кадар,

Ёки йўкотдими харидорини?

Бундай мисралар шунчаки хавас учун эмас, илхом жунбушга келган, ёзмасликнинг иложи бўлмай колган дамлардагина дунёга келади. Бир караган кишига тушкун, сархуш киёфада кўрингувчи Маъруф Жалил хам “ёзмасликнинг иложи бўлмагандагина ёзадиган”лар тоифасидан эди. У хамиша, хамма ерда - юрса хам, турса хам ишлаётган – шеър ёзаётган бўларди. Майда-чуйда, арзимасдай туюлган нарсалардан хам ибратли фикрлар топиб, салмокли хулосалар чикара оларди. Канчалар илхом билан ёзмасин, ўзига ўта талабчан бўлганидан сўзлар устида ишлашдан эринмас, чучмаллик, ўртачаликдан кочарди, кайта ишлаш, таҳрир килиш ва кўчиришдан чарчамасди. Шулар сабаб, Маъруф акани кўп ва тез ёзадиганлар каторига кўшиб бўлмасди.

Хамма билан бирдай муносабатда, бир хил муомалада бўла оладиган сабрли, эътиборли ва ўта камтарин кишилар ижодкорлар орасида унча кўп эмас. Раҳматлик Миркарим Осимга ўхшаб кетар эди шундай фазилатлари билан Маъруф ака. Бир-биридан хокисор ва меҳнаткаш бу икки ижодкор том маънода камтарликнинг энг баланд чўккилари эдилар. Маъруф Жалил хам Миркарим Осим каби кам гап эса-да, кўнглига маъкул одам билан тез тил топишар, бир пасда сухбатдошининг эътиборини козонар, у билан гурунглашган хар кандай одам роҳат киларди. У сухбатдошини хурмат килиш баробарида, фикрларини хам ўта нозик сезги билан англаб оларди.

Яна бир ўзига хос фазилати бор эди Маъру аканинг: хушомадхўр ва фойдахўларга дуч келганда хам жаҳлини тия билар, бировни ёмонламас, беозорлик билан “ярамас” деб кўярди, халос. “Худойим шу бандасига инсоф берсин”, дегани эди бу. Хамиша хамдардлик чечаклари яшнаб тургувчи муносабатларида районлар хид таратиб тургандек бўларди гўё - ёлгон, дабдаба, жимжима йўқ эди. Шеърий сатрлар бамисоли кафасдан кутулган күшчалар каби жўшиб отилиб чикарди унинг калбидан:

Ўйкумни атайлиб кочирганим йўқ,

Эҳтиёж сизмадим чакирмокка хам.

Чунки ёзилмаган тилакларим кўп

Кўнглим тинчимайди тўйиб ёзмасам.

Шундай. Тўйиб-тўйиб ёзган, аммо ёзишга тўймай, бетоблигидаям кўнгли тинчимаётган безовта инсонга караб туриб : “Сиз ўзини ёкиб-ёндириш хисобига тун карига нур таратётган шамга ўхшайсиз. Шам мисоли ўзингизни эмас, бошкаларнинг калбига нур сочишни ўйлайсиз”, дегим келди. Аммо, деёлмадим. Бунинг ўрнига:

- Маъруф ака, хали кўп ёзасиз, - дедим, халос.

- Каёқда, энди ёзиш кийин... - деб гарифона жилмайди. - Ялковман, кўп нарсалар ўзимда колиб кетадиганга ўхшайди. Энди ўзим билан ўёкка опкетаман, шекилли...

- Ундей деманг, ёзасиз, айтмаган биттаям сўзингиз колмайди. Барисини ёзасиз - деди Ўрол ака.

Маъруф ака чукур хўрсинди. Кейин овози титраб:

- Бу дунёда яхисиниям-ёмониниям кўрдим, - деб кўзларини шифтга кадаганча, худди айтмокчи бўлган гапларини ўйлаб-пишишиб олаётгандек бир неча дақика индамай колди. Сўнг, жамлаб бўли шекилли: – Ярамаслар жуда ярамас бўлади, - деди. Маъруф ака гапираётиб аста-аста кучга кириб бораверди: товуши босик, хотиржам ва катъийлашди. - Кани энди Худойим имкон берса-ю, унака ярамасларнинг хаммасини ўзим билан бирга нарги томонга олиб кетсан... - деб кўзлари билан беозор жилмайди. Кейин каравот кабтолига суюниб, охиста гавдасини ростлади. Оёкларини полга текизиб, кўкрагига ёстикни босиб ўтириди-да: - Мундакенг, - деб куличини ёзиб Ўрол акани багрига чорлади. Ўрол Ўтаев илдам бориб ачомлади. Кейин мен.

– Тушимга Шамси ака кирибди, - деди хафалигиниям, хурсандлигиниям билиб бўлмайдиган паришонлик билан. – Олволи остидаги чорпоясида гурунглашиб ўтирибмиз, эмиш. Кўп хударов одам эди, кадрига чилгий етмабмиз...

Шу сўзлар унинг ким ва кандай одам эканини айтиб турар, мени эса: “Бизлар-чи?

Сизнинг кадрингизга етяпмизми?” деган хакконий савол кийнамокда эди.

Каранг, бу камсукум шоир бир-биридан гўзал канча-канча шеърлар, достонлар ёзди. “Мен сизни севардим”, “Рахмат, одамлар”, “Сени ўйлаб”, “Нотаниш йўллар”, “Кўшик иштиёки”, “Мен сув ичган дарёлар”, “Паризодим”, “Дарёни излар шамол”, “Бахтимга сен борсан”, “Бунёдкор калб”, “Орол мадад сўрайди” каби китоблар яратди. “Дарёни излар шамол” тўплами учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Хамид Олимжон номидаги йиллик мукофотига, Орол фожеаси хакидаги публицистик маколалар туркуми учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг мукофотига сазавор бўлди. Таникли ва эл суйган шоирга айланди. Бирок, эркалиқ, шон-шуҳрат кўргани йўқ. Даъво хам килмади. Даъво килиш ўёқда турсин, хатто хаёлига келтиргани эмас.

Адабиётшунослар, танкидчилар кўзидан панада колганининг сабаби хам шундан бўлиши мумкин. Хурматли профессор Салоҳиддин Мамажонов бир маколасида: “Адабий танкидчиликда ёзилмаган адолатсиз бир коида бор: у кўпинча тўрт-беш машхур номлар атрофида гир-гир айланаверади-ю, адабиёт ривожига ўз улушини кўшган “номашхур”ларга киё бокмайди... Адабий танкидчиларимиз ёнлаб ўтаётган шоирларимиздан бири Маъруф Жалилдир”, дея куюнгани хам бекорга эмас.

Колаверса, Аскад Мухтор таъкидлаганидек: «Шеърни тахлил кила бошласалар, гашимга тегади. Бахорги соф хавонинг кимёвий таркибини хам текшириш мумкин. Аммо, ундан кўра, шундай кўкрак тўлатиб нафас олган яхшиrok эмасми?

Хуллас, адабий-танкидчиликка доир масалалар ўз йўлига, лекин биз – укалари, шогирдлари, кадрдонларининг хам Маъруф Жалил олдидаги карзимиз оз эмас.

Негадир бепарвомиз, локайдмиз, дилимиздагиларни тилимизга чикармаймиз, эътибор бермаймиз. Бизлар хам “машхурлар” атрофида гирду капалак бўламиз-у, “номашхурлар”дан бир калима ширин сўзимизни кизганамиз. Одамзотни тириги -да эъзозлаш, ардоклаш мухимлигини афсуски, кўпинча кеч англаймиз. Ахир, нафакат Маъруф Жалил, Чўлпон Эргаш, Машраб Бобоев, Тилак Жўра, Сафар Барно, Рауф Толиб, Анвар Эшонов каби ижодкорларнинг адабиётга кўшган хиссаси кайси дарёзабон шоирдан кам?

Ўрол ака: “Чарчатиб кўймадикми...” деган маънода менга кия каради.

Хайр-хўшлашиб, кўчага чикдик. Ўрол ака тирсагимдан охиста ушлаб, паст ва гамгин товушда Маъруф Жалилнинг бир шеърини ўқиди:

Ваъда берган бўлса-ю,

Аммо сенга учрашолмаса,

Ўзга учун жанг килиб,

Ўзи учун курашолмаса...

Кимларгадир баҳт бериб,

Ўзи баҳтсиз ўтса дунёдан.

Бадном килма билмасдан,

Далилларни олиб хаводан.

- Ўзи хакида, - деди ўқиб бўлганидан кейин.

Кейин хаёлларга ботиб индамай кетдик. Шоирнинг эзгин киёфаси кўз олдимдан кетмасди, ичимдан бир нима узилиб кетаётгандек туюлаверди. Шу сухбатдан кейин орадан кўп ўтмай бу ёруг жаҳон билан мангу хайларашган Маъруф Жалилнинг тобутини ўзи тугилган она кишлогига олиб кетдилар... Бу воеа 2004 йилда бўлган эди.

... Ўша – охирги учрашувда Маъруф аканинг “ярамаслар” хакидаги сўзлари кулогимга каттиқ ўрнашиб колган экан. Куйидаги шеър шу сўз сабаб бўлиб ёзилди:

### ЯРАМАСЛАР

(Маъруф Жалилнинг сўнгги сўзи)

Хаётда бирорга бермадим озор,

Хаётда бирорнинг йўлин кесмадим.

Балки шунинг учун кадру эътибор,

Тополмай яшадим, униб-ўсмадим.

Бирорни кўллашга етмади кучим,

Дўстлар журъатига килдим хаваслар,

Аммо изларимдан маломат-личинг

Тошини отдилар кўп ярамаслар.

Доимо тисланиб, айланиб кочдим,

Улар-чи, соядек чопди изимдан.

Кимга меҳрим сочдим – кучогим очдим,

Жолалар оқизиб кетди кўзимдан.

Кисматим шул экан,

Тангрим, нетайин,

Эзиб-янчолмадим нокас – касларни.

Энди менга беринг, олиб кетайин

Дунёдаги барча ярамасларни.

Одамзот пайдо бўлганидан буён хали бирон киши бу ёруг оламдаги яхши-ёмон одамларни ўзи билан нариги дунёга олиб кетган эмас. Мазкур юмуш Маъруф

Жалилнинг хам кўлидан келмас эди, албатта. Ёзилмаган канча-канча шеър-у достонларни ўзи билан олиб кетгани эса айни хакикатдир.

Маъруф Жалил колдирган бойликлар ичидаги “Камтаришлик” дейилмиш яна бир хазина хам борки, бу хазина хали кўп дилларни мафтун этади, хайратга солади, одоб мактаби вазифасини ўтайди. Факат бу мактаб сабокларини ўзлаштириш, талабларига риоя килиш осонмас. Илло, бундай яшашга хар ким хам каноат килмаслиги, чидами, сабри-бардоши етмаслиги мумкин...

Абдусайд КЎЧИМОВ

2012 йил, март.